

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ**  
**КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ТУРАЕВА ФИРУЗА АБДУРАШИДОВНА**

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН ЗАРАРЛАНГАН**  
**БЕМОРЛАРДА ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ЯЛЛИҒЛАНИШ**  
**КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК КЕЧИШ**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.21 – Стоматология**  
**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2025**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of science (DSc)**

**Тураева Фируза Абдурашидовна**

Коронавирус инфекцияси билан зарарланган беморларда оғиз бўшлиғи яллиғланиш касалликларининг клиник-иммунологик кечиш хусусиятлари.....3

**Тураева Фируза Абдурашидовна**

Клинико-иммунологические особенности течения воспалительных заболеваний полости рта у больных инфицированных коронавирусной инфекцией .....33

**Turaeva Firuza Abdurashidovna**

Clinical and immunological features of the course of inflammatory diseases of the upper respiratory tract in patients infected with coronavirus infection.....63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....70

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ**  
**КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ТУРАЕВА ФИРУЗА АБДУРАШИДОВНА**

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН ЗАРАРЛАНГАН**  
**БЕМОРЛАРДА ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ЯЛЛИҒЛАНИШ**  
**КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК КЕЧИШ**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.21 – Стоматология**  
**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2025**

**Фалсафа доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.DSc/Tib1145 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим тармоғида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:**

**Иноятов Амрилло Шодиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Нарзуллаев Нуриддин Умарович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нуралиев Неккадам Абдуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Даминова Шахноза Бадриддиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Беленова Ирина Александровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)

**Етакчи ташкилот:**

**Павел Йозеф Шафарик Университети**  
(Словакия Республикаси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 рақамли бир марталик Илмий Кенгашнинг 2025 йил "18" февралда соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 13-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 13-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2025 йил «18» февралда тарқатилди.  
(2025 йил «18» февралдаги 10 рақамли реестр баённомаси)



**Ш.Т. Уроков**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Казакова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича доктори

**Б.З.Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда COVID-19 билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғи касалликларини ҳамда уларни юзага келтирувчи хавфли омилларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш стоматологиянинг энг муҳим тиббий ва иқтисодий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...2020 йил июлига қадар COVID-19 билан касалланган 15 миллион ҳолат қайд этилган, бу олти юз мингдан ортиқ ўлимни ўз ичига олади...»<sup>1</sup>. Ушбу патология билан эркаклар аёлларга қараганда оғирроқ касал бўлиб, касалликдан тез-тез вафот этишади ва ўлим кўрсаткичи 20 %дан юқори бўлиб ҳисобланади. Эркакларда, айниқса, 50 ёшлар атрофида COVID-19 дан ўлимнинг энг юқори хавфи ҳисобланади. Ривожланган давлатларда COVID-19 дан ўлим даражаси эркакларда 2,8 % ни, аёлларда 1,7 % ни ташкил этади. Европада COVID-19 билан касалланганлар 57 % ни ташкил этиб, шундан ўлимнинг 72 % ини эркаклар ташкил этади. Ушбу гендер фарқининг сабаблари номаълум, аммо генетик, иммунологик, гормонал, ижтимоий ва ҳуқ-атвор омиллари муҳим ҳисобланади, шунинг учун бу патология энг долзарб тиббий-ижтимоий муаммолардан биридир.

Жаҳон миқёсида COVID-19 билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғи яллиғланиш касалликларининг ташхисоти мураккаблиги кўп ҳолларда беморларнинг турли-туман асоратларга олиб келмоқда. Шунинг учун COVID-19 билан касалланган беморларда асосий касалликнинг профилактикаси ва олдини олиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқот вазифалари замонавий тиббий ёрдам даражасини янги поғонага олиб чиқиш сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, замонавий технологиялардан фойдаланиш учун, оғиз бўшлиғи яллиғланиш касалликларининг патогенетик кечишини ташхислаш ва унинг оқибатларини даволашга қаратилган.

Мамлакатимизда бугунги кунда, тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, COVID-19 билан касалланган беморларда асосий касалликнинг профилактикаси, олдини олиш бўйича ҳамда даволаш самарадорлигини ошириш борасида салмоқли ютуқларга эришилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисми 56-мақсадида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Шу борада коронавирус инфекцияси билан зарарланган беморларда касалликнинг клиник ва

<sup>1</sup> World Health Organization. Clinical management of severe acute respiratory infection when COVID-19 is suspected: interim guidance. Available at: [https://www.who.int/publications-detail/clinical-management-of-severeacute-respiratory-infection-when-novel-coronavirus-\(ncov\)-infection-is-suspected](https://www.who.int/publications-detail/clinical-management-of-severeacute-respiratory-infection-when-novel-coronavirus-(ncov)-infection-is-suspected). Accessed Jan. 20,2020.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60 Фармони.

иммунологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда оғиз бўшлиғи яллиғланиш касалликларининг даволаш самарадорлигини ошириш ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланиши кўрсатилган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.<sup>3</sup>**

COVID-19 билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғи аъзоларининг касалликлари ташхиси, патогенетик давоси ва профилактикасини такомиллаштириш усуллари ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Academisch Centrum Tandheelkunde (Амстердам), Sopporo Medical University (Япония), Dundee Medical University (Шотландия), Hopital de la Salpêtrière (Франция), Guangjou Medical Institute (Хитой), Jorj Tieme Verlag Shtuttgart (АҚШ), Stuttgar Medical University (Германия), Belystok Medical University (Польша) ва Тошкент давлат стоматология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Дунёда COVID-19 билан касалланган беморларда стоматологик касалликларни даволаш, олдини олиш ва башоратлашга қизиқиш бўйича маълумотларга асосланиб, бир қатор илмий натижаларга эришилди: MALDI-TOF ёрдамида сиалоденозли беморлар сўлагининг пептид профилининг роли ўрганилган. MS тизими (Tandhilkunde академик маркази, Amsterdam), Микулич касаллигининг янги концепцияси IgG4 (Sopporo тиббиёт университети, Япония) билан боғлиқ плазмацитар касаллиги сифатида таклиф қилинган, сўлак безларидаги цитоморфологик ва морфологик ўзгаришларнинг хусусиятлари (Ҳиндистон), замонавий терапевтик ва профилактика воситаларидан фойдаланган ҳолда кенг қамровли

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: [www.acta.nl](http://www.acta.nl), [web.sapmed.ac.jp](http://web.sapmed.ac.jp), [www.dundee.ac.uk](http://www.dundee.ac.uk), [www.pitiesalpetriere.aphp.fr](http://www.pitiesalpetriere.aphp.fr), [www.en.gdmu.edu.cn](http://www.en.gdmu.edu.cn), [www.bmcribengaluru.karnataka.gov.in](http://www.bmcribengaluru.karnataka.gov.in), [www.thieme.com](http://www.thieme.com), [www.irbbarcelona.org](http://www.irbbarcelona.org), [www.uni-stuttgart.de](http://www.uni-stuttgart.de), [www.umb.edu.pl](http://www.umb.edu.pl), [www.tta.uz](http://www.tta.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

профилактика дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширилди, стоматологик таълим ва соматик касалликларнинг оғиз бўшлиғи аъзолари функционал ҳолатига таъсири ҳам асосланди (Вашингтон университети, АҚШ; Сеул миллий университети, Жанубий Корея; Фрайбург университети, Германия).

Хусусан, умумий тиш касалликларига таъсир қилувчи ижтимоий ва гигиена омилларини асослаш; оғиз бўшлиғи суяқлиги таркиби ва унга таъсир қилувчи омилларнинг таъсири; сўлак таркибининг биокимёвий ва микробиологик параметрларига ижобий таъсир кўрсатадиган комплекс профилактика дастурини асослаш; пародонтал касалликларни камайтиришга қаратилган терапевтика профилактика чораларини такомиллаштириш (Белостокск тиббиёт университети, Польша), сурункали сиалоденит ва сиалоденозли беморларни турли дори-дармонлар ва физиотерапевтик воситалар билан комплекс даволаш йўлга қўйилган (Россия, Ўзбекистон).

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги пайтда вирусли юқумли касалликлар билан зарарланиш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳонда ҳозирги вақтда минг-минлаб одамлар ҳар хил вирусли юқумли касалликларни бошидан кечириб келмоқда. Тиббиёт ходимлари саъй-ҳаракатлари натижасида баъзи касалликлар бутунлай бартараф қилинган бўлса-да, баъзи касалликларнинг тарқалиш даражаси ва асорати кучайиб бормоқда.

Маълумки, асримизнинг бошидан парранда гриппи эпидемияси Шарқий Осиё мамлакатларидан Хитой, Лаос ҳудудида қайд қилинган бўлса, 2005 йилга келиб, Россия ва Европа мамлакатларида (Руминия, Италия) тарқалганлигининг гувоҳимиз. 2002 йил охирида коронавирус SARS (SARS-CoV), 2010 йил H1N1 янги грипп (чўчқа гриппи) ер юзининг қатор мамлакатларида қайд қилиниб, пандемик равишда тарқалиб кетди. Мамлакатимиз ҳудудида эса қайд қилилмади. 2012 йилга келиб, дунё янги MERS (MERS-CoV) коронавирусини чақирган касаллик дунёнинг 23 мамлакатада рўйхатга олинди (Баранова А., 2020; Alserehi H., et al., 2020).

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг расмий маълумотига кўра, Хитой халқ республикасида 2019 йил декабрь ойининг охирида коронавируснинг янги тури чақирадиган касаллик қайд қилина бошланди. Касалликка чалинган кишилар Таиландда ҳам қайд этилиб, эпидемия ҳолати юзага келган (Bassetti M., 2020; She H., et al., 2020)

Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг COVID-19 инфекцияси натижасида зарарланишида таъм ва ҳид билишнинг бузилиши стоматологияда касалликнинг асосий клиник шикоятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Маълумки, SARS-CoV-2 вируси оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватини носпецефик зарарланишига олиб келади, аммо тери-шиллик қаватининг COVID-19 натижасида зарарланишини аниқ ташхис қилиш стоматологияда SARS-CoV-2 нинг олдини олишга ёрдам беради (Meng L., Hua F., Bian Z. et al., 2020).

Россиялик мутахассисларнинг фикрига кўра, бундай аломатлар инфекциянинг иккиламчи намоён бўлиши, шунингдек, дори-дармонларни, хусусан, антибиотикларни қабул қилишнинг ножўя таъсири сифатида кузатилиши мумкин. Бундан ташқари, стоматологик касалликларнинг ўзи инфекция учун хавф омили бўлиб хизмат қилиши мумкин, чунки бу

касалликларнинг ўзи организмнинг химоя функциясини сусайтиради. Шунинг учун, стоматолог кўригини COVID-19 учун зарурий тадқиқотлар рўйхатига киритиш тавсия этилади (Костинов М.П., Коростовцева Л.С.ва ҳаммуалл.,2020).

Немис дентал имплантологларининг таъкидлашича, оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг зарарланишида коронавирус инфекциясининг роли бўлиши мумкин. Бу инфекция натижасида герпес, гингивит, пародонтит ва стоматитлар ривожланади. Бу ҳолат иммун тизимининг пасайиб кетиши билан боғлиқ. Охирги нашр этилган маълумотларга қараганда, экспертлар оғиз бўшлиғи хужайраларида ўпка тўқималарининг хужайралари билан солиштириш мумкин бўлган АПФ-2 юқори экспрессияси борлигини таъкидлаб ўтдилар (Марет Хашиева; Park., Roberts et.al.2020).

Коронавирусли инфекция билан зарарланган беморларда оғиз бўшлиғи яллиғланиш касалликларини эрта ташхислаш, олдини олиш ва махсус даволаш принциплари тўлиқ ишлаб чиқилмаган (Туйчиев Л.Н., Алматов Б.И., Матназарова Г.С., Миртазоев О.М.,2020; Камкина Е.Г ва ҳаммуал.,2020).

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, COVID-19 коронавирусли инфекция билан зарарланган беморларда оғиз бўшлиғи касалликларини эрта ташхислаш, оптимал даволаш схемасини ишлаб чиқиш ва асослаш, амалий соғлиқни сақлаш тизими учун долзарб вазифа ҳисобланади. Шундай қилиб, оғиз бўшлиғининг кўпгина тўқималари Ухан патогени учун таъсирловчи –хужайраларни сақлайди. Бироқ стоматологик касалликлар ва коронавирусли инфекция орасидаги аниқ паралеллик йўқ. Шунинг учун стоматологик касалликлар ва коронавирусли инфекция ўртасидаги боғлиқлик ва муаммолар чуқур илмий изланишлар олиб борилишини талаб этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтида 06.2021 DSc083 сонли илмий-тадқиқот ишларининг режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» доирасида олиб борилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** коронавирус инфекцияси билан зарарланган беморларда касалликнинг клиник ва иммунологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда оғиз бўшлиғи яллиғланиш касалликларининг даволаш самарадорлигини оширишдан иборат бўлган.

**Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:**

коронавирус инфекцияси билан зарарланган беморларда стоматологик касалликлар учраш даражаси ва хусусиятларини баҳолаш;

ўрганилаётган стоматологик патологияли беморларда иммунологик кўрсаткичларни аниқлаш;

клиник, иммунологик ва микробиологик тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда оғиз бўшлиғини санация қилиш турли усулларини қиёсий таҳлил қилиш;

COVID-19 инфекцияси фонида пародонтит билан оғриган беморлар қон зардоби ва оғиз суюқлигидаги оксидловчи стресснинг ролини аниқлаш учун COD фаоллигини ўрганиш ҳамда қон зардобида аутоиммунизация маркерларидан глутаматдекарбоксилазага антитаначаларининг (аутоантител декарбоксилаза глутамин кислота GAD, интерлейкин 17A) клиник аҳамиятини баҳолаш;

оғиз бўшлиғи касалликлари қайталаниши олдини олиш мақсадида коронавирусли инфекция билан зарарланган беморларда вирусга қарши эмлаш таъсирини баҳолаш ва коронавирусли инфекция билан зарарланган беморларни даволаш самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида COVID-19 билан касалланган 166 нафар бемор танлаб олинган. Уларнинг ёши 18 ёшдан 79 ёшни, шулардан 98 нафарини эркаклар, 68 нафарини эса аёллар ташкил этган.

**Тадқиқотнинг предмети:** COVID-19 билан касалланган беморларда стоматологик, вена қони, қон зардоби, текширилган беморларнинг оғиз суюқлиги натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари:** Диссертация ишида клиник, стоматологик, иммунологик, микробиологик, лаборатор текширувлар, касаллик тарихи, бошқа текширув усуллари таҳлил қилиш ва статистик текширув усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

илк бор COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда оғиз бўшлиғи касалликларининг клиник кечиши, иммун тизими кўрсаткичларининг ўзгаришига боғлиқлиги исботланган;

COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда оғиз бўшлиғи касалликларининг қайталаниши олдини олиш мақсадида вирусга қарши вакцинация самарадорлиги исботланган;

илк бор COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда фаргалс антисептик билан оғиз бўшлиғи касалликларининг даволашгача ва даволашдан кейинги клиник, иммунологик, микробиологик самарадорлигини қиёсий баҳолаш амалга оширилган;

COVID-19 инфекцияси фонида пародонтит билан оғриган беморлар қон зардоби ва оғиз суюқлигидаги оксидловчи стресснинг ролини аниқлаш учун супероксиддисмутаза организмнинг антиоксидант тизимидаги асосий фермент бўлиб, эркин радикаллари заралантиришда муҳим ўрин тутиши исботланиб, унинг даражасини қонда, оғиз суюқлигида пасайиши организмни оксидловчи стрессдан ҳимоя қилиш самарадорлигининг бузилишини кўрсатиб бериши аниқланган;

Илк маротоба сурункали пародонтит билан оғриган беморларнинг глутамат декарбоксилазага антитаначаларнинг юқори даражаси аниқланиб нафақат қандли диабетнинг ирсий анамнези бўлган беморларда, балки коронавирус инфекциясининг енгил ва симптомсиз формаларида ҳам қандли диабет ривожланиш хавфини баҳолаш учун ушбу маркёрнинг диагностик аҳамияти аниқланган;

COVID-19 инфекцияси билан зарарланган стоматологик касалликлари бор беморларда касаллик этиологиясини инобатга олган ҳолда маҳаллий ва

патогенетик механизмларга таъсир этувчи даволаш усуллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

коронавирус инфекцияси билан зарарланган беморларда стоматологик касалликлар учраш даражаси ва клиник кечиш хусусиятларини баҳоланган;

коронавирусли инфекция кузатилган беморларда оғиз бўшлиғи касалликларининг асосий кўзгатувчиларини идентификация қилинган;

клиник, иммунологик ва микробиологик тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда оғиз бўшлиғи касалликларини даволашнинг турли усуллари қиёсий таҳлил қилинган;

COVID-19 инфекцияси фонида пародонтит билан оғриган беморлар қон зардоби ва оғиз суяқлигидаги оксидловчи стресснинг ролини аниқлашда супероксиддисмутаза COD даражасининг пасайиши организмни оксидловчи стрессдан ҳимоя қилиш самарадорлигининг бузилишини кўрсатиб берган;

Сурункали пародонтит билан оғриган беморларнинг глутаматдекарбоксилаза (GAD) га антитаначаларининг юқори даражаси нафақат қандли диабетнинг ирсий анамнези бўлган беморларда, балки коронавирус инфекциясининг енгил ва симптомсиз формаларида ҳам қандли диабет ривожланиш хавфини баҳолаш учун ушбу маркернинг диагностик аҳамиятини кўрсатиб берган;

оғиз бўшлиғи касалликлари қайталаниши олдини олиш мақсадида коронавирусли инфекция билан зарарланган беморларда вирусга қарши эмлаш таъсирини баҳоланган ҳамда коронавирусли инфекция билан зарарланган беморларни олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотларда бир-бирини тўлдирувчи олинган натижалар ва назарий методлар қўлланилиши, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморларнинг етарли миқдори, чет эл ва мамлакатимизда ўтказилган тадқиқотларнинг солиштирилиши, шунингдек олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан берилган хулосалар билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти COVID-19 билан касалланган беморларда стоматологик синдромларнинг дифференциал диагностикаси, реабилитация тадбирларини оптималлаштиришдан ташқари уларни даволашда мос келадиган даволаш турини танлаш имконини беради ҳамда беморларнинг нейрпсихологик ва жисмоний лаёқатини ошириш ва меҳнат қобилиятини тиклаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти COVID-19 билан касалланган беморларда стоматологик синдромларни аниқлаш, касаллик асоратланган шакли ривожланишининг олдини олиш ҳамда унинг эрта даврида реабилитацион –тикловчи чораларини амалга ошириш, шунингдек, йўқотилган меҳнатга лаёқатсиз кунларнинг камайиши орқали изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларинининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича 2024 йил 13 ноябрдаги 08/66 – сон хулосасига кўра:

*биринчи илмий янгилик:* илк бор COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда оғиз бўшлиғи касалликларининг клиник кечиши, иммун тизими кўрсаткичларининг ўзгаришига боғлиқлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* коронавирус инфекцияси билан зарарланган беморларда стоматологик касалликлар учраш даражаси ва клиник кечиш хусусиятларини баҳоланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Олинган илмий-амалий маълумотлар Жиззах вилояти стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (06.03.2023 й.; №8), Хоразм вилояти болалар стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (09.03.2024 й.; №41 I) билан амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Ушбу маълумотлар COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда зарарланиш аломатларини эрта ташхислаш, асосий касалликнинг асоратларини олдини олиш, касаллик оқибатини ўз вақтида башорат қилишнинг такомиллаштирилгани беморларнинг тезроқ соғайиб кетиши, беморларнинг шифохонада бўлиш кунларининг қисқариши, шу орқали беморларнинг ҳаёт сифати ва уларнинг соғломлаштириш ҳолатини ошириш имконини берди. Бундан ташқари беморларнинг оғиз бўшлиғи ҳолати тўғрисида тўлиқ тасаввурларга эга бўладилар. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларида тавсия этилаётган ушбу текшириш усулларидаги ҳамда янги замонавий ИФА усулида ишлаб чиқилганлиги стоматологик текшириш ўтказиш жараёнида ҳар бир беморга сарфланган маблағнинг 480 000 сўмгача тежалишини кўрсатган. Хулоса: COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда стоматологик касалликларнинг учраш даражаси юқори даражада бўлиб, етакчи ўринларда ўткир ва сурункали гингивитлар (38,2%), ўткир ва сурункали пародонтитлар (35,4%), турли кўринишдаги стоматитлар (15,6%) ва парадонтозлар (10,8%) бўлгани исботлаб берилди.

*иккинчи илмий янгилик:* COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда оғиз бўшлиғи касалликларининг қайталаниши олдини олиш мақсадида вирусга қарши вакцинация самарадорлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* коронавирусли инфекция кузатилган беморларда оғиз бўшлиғи касалликларининг асосий кўзғатувчиларини идентификация қилинган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Олинган илмий-амалий маълумотлар Жиззах вилояти стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (06.03.2023 й.; №8) Хоразм вилояти болалар стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (09.03.2024 й.; №41 I) билан амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Ушбу маълумотлар COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда зарарланиш аломатларини эрта ташхислаш, асосий касалликнинг асоратларини олдини олиш, касаллик оқибатини ўз вақтида башорат қилишнинг такомиллаштирилгани беморларнинг тезроқ соғайиб кетиши, беморларнинг шифохонада бўлиш кунларининг қисқариши, шу орқали болаларнинг ҳаёт сифати ва уларнинг соғломлаштириш ҳолатини ошириш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: COVID-19 инфекцияси билан зарарланган

беморларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларида тавсия этилаётган ушбу текшириш усулларидаги ҳамда янги замонавий ИФА усулида ишлаб чиқилганлиги стоматологик текшириш ўтказиш жараёнида ҳар бир беморга сарфланган маблағнинг 480 000 сўмгача тежалиши имконини берган. Хулоса: COVID-19 инфекцияси фонида стоматологик касалликлар ривожланиш жараёнида организмнинг турли биологик суюқликларида иммун тизими Т- ва В-бўғинлари иммунодефицити аниқланди, бу СД4+- ва СД8+- лимфоцитлар орасидаги дисбаланси кучайиши, СД25+-лимфоцитларнинг ишонарли пасайиши, СД95+-хужайраларнинг ишонарли кўпайиши билан асосланган. COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда IL-17A назорат гуруҳига нисбатан 2,46 мартага (ўртача  $6,1 \pm 0,47$  ва  $4,91 \pm 0,24$  пг/мл гача), IL-17A қон зардоби ва ОБС да таққослашда IL-17A концентрациясининг фарқи, ОБС да 1,83 ни, II гуруҳда – 2,02 ва текширилган III гуруҳдаги фарқ мос равишда 2,05 марта ошганликни кўрсатди ( $P \leq 0,05$ ) ва касалликни башоратлаш мезони бўлиб ҳисобланган.

*учинчи илмий янгилик:* илк бор COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда фаргалс антисептик билан оғиз бўшлиғи касалликларини даволашгача ва даволашдан кейинги клиник, иммунологик, микробиологик самарадорлигини қиёсий баҳолаш амалга оширилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* клиник, иммунологик ва микробиологик тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда оғиз бўшлиғи касалликларини даволашнинг турли усуллари қиёсий таҳлил қилинган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (02.07.2024 й.; №116) Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 6 сон оилавий поликлиникаси бўйича буйруқ (05.03.2024 й.; №98) билан амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда зарарланиш аломатларини эрта ташхислаш, асосий касалликнинг асоратларини олдини олиш, касаллик оқибатини ўз вақтида башорат қилишнинг такомиллаштирилгани беморларнинг тезроқ соғайиб кетиши, беморларнинг шифохонада бўлиш кунларининг қисқариши, шу орқали беморларнинг ҳаёт сифати ва уларнинг соғломлаштириш ҳолатини ошириш имконини берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда зарарланиш аломатларини эрта ташхислаш, тавсия этилаётган комплекс даволаш усуллари оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларини даволаш ёрдамида ишлаб чиқилганлиги стоматологик даво-муолажаларини ўтказиш жараёнида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларининг 880 000 сўмгача тежалиши имконини берган. Хулоса: COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда оғиз бўшлиғи аъзолари йирингли-яллиғланиш жараёнларини даволашда антибактериал, антифунгал, яллиғланишга қарши, маҳаллий жароҳатни битказувчи ФарГАЛС ва Хлорфилипт Виалайн каби антисептикларнинг анъанавий санация воситаларига нисбатан ишонарли равишдаги муайян даражадаги устунликка эгаллиги аниқланди.

*тўртинчи илмий янгилик:* COVID-19 инфекцияси фонида пародонтит билан оғриган беморлар қон зардоби ва оғиз суюқлигидаги оксидловчи стресснинг ролини аниқлаш учун супероксиддисмутаза организмнинг антиоксидант тизимидаги асосий фермент бўлиб, эркин радикаларини зарарлантиришда муҳим ўрин тутиши исботланиб, унинг даражасини қонда, оғиз суюқлигида пасайиши организмни оксидловчи стрессдан ҳимоя қилиш самарадорлигининг бузилишини кўрсатиб бериши аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* COVID-19 инфекцияси фонида пародонтит билан оғриган беморлар қон зардоби ва оғиз суюқлигидаги оксидловчи стресснинг ролини аниқлашда супероксиддисмутаза COD даражасининг пасайиши организмни оксидловчи стрессдан ҳимоя қилиш самарадорлигининг бузилишини кўрсатиб берган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (02.07.2024 й.; №116), Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 6 сон оилавий поликлиникаси бўйича буйруқ (05.03.2024 й.; №98) билан амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда зарарланиш аломатларини эрта ташхислаш, асосий касалликнинг асоратларини олдини олиш, касаллик оқибатини ўз вақтида башорат қилишнинг такомиллаштирилгани беморларнинг тезроқ соғайиб кетиши, беморларнинг шифохонада бўлиш кунларининг қисқариши, шу орқали беморларнинг ҳаёт сифати ва уларнинг соғломлаштириш ҳолатини ошириш имконини берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда зарарланиш аломатларини эрта ташхислаш, тавсия этилаётган комплекс даволаш усуллари оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликларини даволаш ёрдамида ишлаб чиқилганлиги стоматологик даво-муолажаларини ўтказиш жараёнида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларининг 880 000 сўмгача тежалишини кўрсатди. Хулоса: COVID-19 инфекцияси фонида пародонтит билан оғриган беморлар қон зардоби ва оғиз суюқлигидаги оксидловчи стресснинг ролини аниқлаш учун фойдаланиладиган COD нинг ( $107,9 \pm 7,4$  пг/мл) пасайиши организмни оксидловчи стрессдан ҳимоя қилиш самарадорлиги бузилишини кўрсатиб берган, GAD га антитаначаларнинг юқори даражаси коронавирус инфекциясининг енгил ва симптомсиз формаларида ҳам қандли диабет ривожланиш хавфини баҳолаш, аутоиммунизация даражасини аниқлаш учун интерлейкин 17А диагностик маркёр сифатида қўлланилишининг клиник-иммунологик самарадорлиги кўрсатиб берилди ва COD даражасидаги фарқ 10,1 марта, 2-гуруҳда – 12,5 ва учинчи гуруҳда – мос равишда 11,05 мартани ташкил этди ( $P \leq 0.05$ ).

*бешинчи илмий янгилик:* Илк маротоба сурункали пародонтит билан оғриган беморларнинг глутамат декарбоксилазага антитаначаларнинг юқори даражаси аниқланиб нафақат қандли диабетнинг ирсий анамнези бўлган беморларда, балки коронавирус инфекциясининг енгил ва симптомсиз формаларида ҳам қандли диабет ривожланиш хавфини баҳолаш учун ушбу маркернинг диагностик аҳамияти аниқланган. *Илмий янгиликнинг*

*аҳамияти:* Сурункали пародонтит билан оғриган беморларнинг глутаматдекарбоксилаза (GAD) га антитаначаларининг юқори даражаси нафақат қандли диабетнинг ирсий анамнези бўлган беморларда, балки коронавирус инфекциясининг енгилва симптомсиз формаларида ҳам қандли диабет ривожланиш хавфинибаҳолаш учун ушбу маркернинг диагностик аҳамиятини кўрсатиб берган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 2 сон оилавий поликлиникаси бўйича буйруқ (18.09.2023 й.; №111), Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 8 сон оилавий поликлиникаси бўйича буйруқ (11.02.2024 й.; №92) билан амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда зарарланиш аломатларини эрта ташхислаш, асосий касалликнинг асоратларини олдини олиш, касаллик оқибатини ўз вақтида башорат қилишнинг такомиллаштирилгани беморларнинг тезроқ соғайиб кетиши, беморларнинг шифохонада бўлиш кунларининг қисқариши, шу орқали беморларнинг ҳаёт сифати ва уларнинг соғломлаштириш ҳолатини ошириш имконини берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда зарарланиш аломатларини эрта ташхислаш, тавсия этилаётган комплекс даволаш усуллари оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларини даволаш ёрдамида ишлаб чиқилганлиги стоматологик даво-муолажаларини ўтказиш жараёнида ҳар бир беморга сарфланган маблағнинг 880 000 сўмгача тежалишини кўрсатди. Бу эса маблағи тежалиши, мукамаллаштирилган ташхислаш жараёнини таъминлади. Даволаш давомийлиги эса 3 кунга қисқартирилди. *Хулоса:* COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда оғиз бўшлиғи касалликларини эрта ташхислаш ва оптимал даволаш бўйича клиник-иммунологик маркёрлар асосида ишлаб чиқилган дастур иммунодефицит оғирлик даражасини аниқлаш, тавсия этилган комплекс терапияни оптималлаштириш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини берди.

*олтинчи илмий янгилик:* COVID-19 инфекцияси билан зарарланган стоматологик касалликлари бор беморларда касаллик этиологиясини инобатга олган ҳолда маҳаллий ва патогенетик механизмларга таъсир этувчи даволаш усуллари ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* оғиз бўшлиғи касалликлари қайталаниши олдини олиш мақсадида коронавирусли инфекция билан зарарланган беморларда вирусга қарши эмлаш таъсирини баҳоланган ҳамда коронавирусли инфекция билан зарарланган беморларни олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 2 сон оилавий поликлиникаси бўйича буйруқ (18.09.2023 й.; №111), Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 8 сон оилавий поликлиникаси бўйича буйруқ (11.02.2024 й.; №92) билан амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда зарарланиш аломатларини эрта ташхислаш, асосий

касалликнинг асоратларини олдини олиш, касаллик оқибатини ўз вақтида башорат қилишнинг такомиллаштирилгани беморларнинг тезроқ соғайиб кетиши, беморларнинг шифохонада бўлиш кунларининг қисқариши, шу орқали беморларнинг ҳаёт сифати ва уларнинг соғломлаштириш ҳолатини ошириш имконини берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда зарарланиш аломатларини эрта ташхислаш, тавсия этилаётган комплекс даволаш усуллари оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликларини даволаш ёрдамида ишлаб чиқилганлиги стоматологик даво-муолажаларини ўтказиш жараёнида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 880 000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 550 000 сўмга тежалиши имконини берган. Хулоса: COVID-19 инфекцияси билан зарарланган стоматологик касалликлари бор беморларда касаллик этиологиясини инобатга олган ҳолда маҳаллий ва патогенетик механизмларга таъсир этувчи даволаш усуллари амалиётга жорий этилиши касаллик асоратларини олдини олиш, даволаниш муддатини қисқартирилиши орқали 1 нафар беморга сарфланадиган бюджет маблағлари ни 880 000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 550 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилиб, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «COVID-19 инфекциясининг стоматологик кўринишлари ҳақида замонавий тушунчалар (адабиётлар шарҳи)» деб номланган биринчи бобида тадқиқот натижалари ва илмий иш мавзуси бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётларнинг батафсил таҳлили келтирилган.

Бундан ташқари, беморларда COVID-19 инфекциясининг этиопатогенези ва оғиз бўшлиғи яллиғланиш ҳолати бўйича тадқиқотлар натижалари ҳам келтирилган.

Диссертациянинг «COVID-19 билан касалланган беморларда стоматологик синдромларнинг клиник ва патогенетик хусусиятлари бўйича беморларнинг клиник тавсифи ва тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида турли даражадаги COVID-19 билан зарарланган беморларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг яллиғланиш касалликлари билан даволанган беморларда стоматологик текширув, биокимёвий ва иммунологик тадқиқот усуллариининг клиник тавсифи, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати патологияси бўлган беморларни даволаш усуллари тавсифи берилган.

Ўтказилган тадқиқотга жалб қилинган 166 нафар беморлар 25 ёшдан 75 ёшгачани ташкил этиб, улар 2 гуруҳга бўлинган, асосий (n=166) ва назорат гуруҳи (n=56). Асосий гуруҳда беморларнинг 50 нафари (30,2%) аёллар бўлиб, 116 нафарини (69,8%) эркаклар ташкил этган, назорат гуруҳида эса аёллар 24 (42,8%) нафарни, эркаклар эса 32 (57,2%) нафарни ташкил қилган. Кўриниб турибдики, COVID-19 билан зарарлангандан сўнг оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати яллиғланиш касалликлари эркакларда аёлларга нисбатан 2,5 марта кўп учраган. Бу кўрсаткич ёш ошган сари ҳам бир-бирига пропорционал ошиб борган.

Назорат остига олинган 166 нафар беморларда касалликнинг табиатини ўрганиш учун ёшига қараб 3 та кичик гуруҳларга бўлинган:

1-кичик гуруҳга 18 ёшдан 39 ёшгача бўлган 50 (30,1%) нафар беморлар, 2-кичик гуруҳга 40 ёшдан 59 ёшгача бўлган 71 (42,7%) нафар беморлар ва 3-кичик гуруҳга 60 ёшдан 79 ёшгача бўлган 45 (27,2%) нафар беморлар кирган.

COVID-19 билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғи касалликлари олти хил нозологик бирлик кўринишида намоён бўлган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Оғиз бўшлиғи яллиғланиш касалликлари кузатилган COVID-19 билан касалланган беморларнинг нозология бўйича тақсимланиши

Нозология	Мутлоқ сон, n=166	%
Ўткир гингивит	41	25,0
Сурункали гингивит	22	13,2
Ўткир пародонтит	32	19,2
Сурункали пародонтит	27	16,2
Пародонтоз	18	10,8
Стоматит	26	15,6

Эслатма: Ҳар бир беморда юқоридаги нозологиялардан фақат биртаси мавжуд.

COVID-19 билан зарарланган ёндош касалликлари бўлган беморлар ўрганилганда, 120 (72,2%) нафар беморда анемия кечаётганлиги аниқланган, шунингдек, тез-тез учрайдиган йўлдош касалликлардан гипертония касаллиги 49 (29,5%), қандли диабет 36 (21,6%), ревматоидли артрит 27 (16,2%), сурункали бронхит 23 (13,8%), сурункали пиелонефрит 22 (13,2%), семизлик 16 (9,6%), сурункали гепатит ва гастродуоденит 10 нафардан (6,2%) беморда кузатилган.

Беморларни кенг қамровли клиник кўриқдан ўтказишда соматик ва стоматологик ҳолатни умумий қабул қилинган клиник, лаборатор, микробиологик ва иммунологик усуллар, шунингдек, шикоят, анамнестик маълумотлар, касалликнинг субъектив ва объектив белгиларининг батафсил маълумотлари билан форматланган ҳужжатлар ишлатилган.

Ташхис Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «COVID-19 янги коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш бўйича вақтинчалик йўриқномаси»нинг 8-версиясига мувофиқ қўйилган. Касалликлар Халқаро Классификациясининг (КХК-МКБ-10) Фавқулдда вазиятлар кодлари бўлимини 2020 йил январь ойида янгилаган ва унга COVID-19, U 07.1 учун махсус код қўшилган (8.11).

Касаллик тарихини таҳлил қилишда ретроспектив гуруҳдаги беморлар жинси, ёши, асосий ва орттирилган касалликлари, клиник белгилари, COVID-19 оғирлиги, амбулатор ва стационар босқичларда дори терапияси, лаборатор ва рентгенологик текширувлар маълумотларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш, касалхонага ётқизиш, касалхонада қолиш муддати, касалликнинг натижасини ўрганиш шулар жумласидандир.

Асосий гуруҳдаги беморларни клиник текшириш: юрак уриш тезлиги, қон босими, ўпка аускултацияси, нафас сони ва сатурациясини ўлчаш.

Микробиологик текширувлар бактериологик лабораторияда ўтказилган. Ундирилган микроорганизмлар идентификацияси ва дифференциацияси Bergy бўйича амалга оширилган. Оғиз бўшлиғи аъзолари иммуногенез жараёнида ва юқори нафас йўлларида маҳаллий ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнаганлиги сабабли, даволашнинг кенг қўлланиладиган жарроҳлик тамойилини тўғри, деб эътироф этиб бўлмаган, балки оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолати ва микробиоценозига эътибор бериш талаб қилинади.

Консерватив даволаниш учун алоҳида шароитлар бу оғиз бўшлиғини йилига 2-3 марта, айниқса, яллиғланиш жараёнида такрорлаш, шунингдек, умумий ва маҳаллий даволаш усулларида комплекс фойдаланиш, бу консерватив даволаниш самарадорлигини сезиларли даражада оширган.

КПУ индексини аниқлаш учун Klein Palmer (1939) томонидан КПУ индексини кариес (К), пломба (П) ва олиб ташланган (ОТ) тишлар сонининг йиғиндиси сифатида аниқлаш, бу кўрсаткични КПУ индекси сифатида белгилаш мумкин (оригиналда DMST).

КПУ индекси у ёки бу тарзда кариесдан азият чеккан ҳар бир тишни ҳисобга олган ва ўзгармаган тишлар, шунингдек, пломба билан профилактика материали билан қопланган соғлом тишларни ҳисобга олмаган. Кариесдан таъсирланган тишлар парваришига муҳтожлигига қараб тоифаларга бўлинган, агар керак бўлса, қайси бири терапевтик ёки ортопедик муолажаларга муҳтожлигини белгилаб берган.

Оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини аниқлашда оғиз бўшлиғининг гигиеник индекслари ишлатилган: CPITN; PMA (Schour, Massler); GI (Loe, Silness); КПИ (П.А.Леус); ОНІ-S (Green, Vermillion); Силнес-Лоу (Silness, Loe); ТЭР-тест.

Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ҳолатини баҳолашда беморларнинг стоматологик текшируви умумий қабул қилинган схема бўйича, ҳар бир бемор учун алоҳида ишлатиладиган тўпламлар билан ўтказилган. Шу

жумладан, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватини текшириш (ранг, намлик, зарарланиш элементларининг мавжудлиги ва локализацияси).

Организм иммун ҳолатини ўрганиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иммунология ва инсон геномиси институтида олиб борилган. Замоनावий иммунологик усуллардан фойдаланиб, эрта ва кечки босқичларда лимфоцитлар дифференцировкасининг (CD) асосий кластерларига моноклонал антитаначалардан фойдаланган ҳолда иммун тизимининг хужайравий ва гуморал компонентларини таҳлил қилиш амалга оширилган.

Тадқиқотдан олинган маълумотлар шахсий компьютерда статистик ишланиб, Microsoft Office Excel-2013 дастурий пакетлари ёрдамида бажарилган. Вариацион параметрик ва нопараметрик статистика ўрганилаётган ўртача арифметик кўрсаткични (M) ҳисобга олиб, ўртача квадратик оғиш ( $\sigma$ ), стандарт ўртача хато (m), ўртача нисбий катталиқ (частота, %) усулларидан фойдаланилган. Ўртача катталиклар таққосланганда олинган ўлчамларнинг статистик миқдори Стьюдент (t) мезони бўйича, хатолар эҳтимоли ҳисоби (P) тақсимлашнинг нормаллигини текширишда (эксцесс мезони бўйича) ва бош дисперсия тенглиги (F – Фишер мезони бўйича) аниқланган. Ўзгаришнинг статистик кўрсаткичи учун ишончлилик даражаси  $P < 0,05$  дан фойдаланилган.

**Диссертациянинг «Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғи яллиғланиш касалликларини санация қилишнинг турли усулларини қиёсий клиник ва микробиологик баҳолаш»** деб номланган учинчи бобда COVID-19 билан касалланган беморларда стандарт анъанавий оғиз бўшлиғи санацияси ҳолати ўрганилган.

Стандарт анъанавий санация тадбирлари самарадорлиги беморларнинг субъектив ҳиссиётлари, стоматологик статусни баҳолаш ва оғиз бўшлиғи микробиологик усуллари маълумотлари ёрдамида баҳоланган. Клиник кузатувлар шуни кўрсатганки, COVID-19 билан касалланган беморларда стандарт бшйича анъанавий оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватини санация чораларини қўллаш 5-7 сеансдан кейин яллиғланиш жараёнларининг клиник аломатларини биров пасайтирган, бу 10 кунлик курс давомийлигини билдирган. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу гуруҳдаги 54 нафар бемордан анъанавий санация чоралари қўлланилгандан сўнг атиги 11 (20,3%) ҳолатда сезиларли клиник яхшиланишни кўрсатган. Бошқа барча 43 (79,7%) ҳолатда оғиз бўшлиғида оғриқ ва куйишиш ҳисси, пародонтитнинг клиник белгилари намоён бўлган. Беморларда хавотирлик, асабийлашиш, оғриқ, иштаҳанинг пастлиги қайд этилган.

Сўнгги йилларда клиник амалиётда кўпинча кўплаб касалликларни тавсифлаш учун турли индекслар қўлланилади, улар ташхис қўйиш, патологиянинг оғирлигини прогностлаш ва баҳолашда, шу жумладан COVID-19 билан инфицирланган беморларнинг оғиз шиллиқ қавати патологиясини даволашда ёрдам берган. Клиник кузатувлар натижалари COVID-19 билан зарарланган беморларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг гигиеник индекси (ГИ) анъанавий санациядан сўнг тасдиқланган (2-жадвал).

Санациядан олдин асосий гуруҳнинг барча беморларида ГИ назорат гуруҳининг кўрсаткичларидан 15% юқори бўлганлиги аниқланган, COVID-19

билан касалланганларнинг анъанавий оғиз бўшлиғи санациясидан сўнг ГИ 40% га камайган ( $P < 0,05$ ).

## 2-жадвал

### COVID-19 инфекцияси билан зарарланган беморларда анъанавий оғиз бўшлиғи санациясидан кейинги гигиеник индекс динамикаси

Кўрсаткич	Назорат (n=50)		Асосий (n=54)	
	Санациягача	Санациядан сўнг	Санациягача	Санациядан сўнг
ГИ, бирлик	3,6±0,4	1,5±0,1*	4,2±0,6	2,6±0,2*

Эслатма: \* - санациягача бўлган параметрдан ишонарли фарқ белгиси.

COVID-19 билан касалланганларда анъанавий санация сўлакда лизоцим ишлаб чиқаришга сезиларли таъсир кўрсатмаган ва бу санация усулининг маҳаллий иммунитет омилига, шунингдек, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати махсус бўлмаган ҳимоя омилига минимал таъсирини кўрсатган (3-жадвал).

## 3-жадвал

### COVID-19 инфекцияси мавжуд беморларда оғиз бўшлиғи анъанавий санациясидан сўнг сўлакдаги лизоцим миқдорининг динамикаси (титр)

Кўрсаткич	Назорат (n=50)		Асосий (n=54)	
	Санациягача	Санациядан сўнг	Санациягача	Санациядан сўнг
Лизоцим	1:120±50	1:320±110	1:120±50	1:180±100

